

250745-СОН
МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари, якка тартибдаги таффиркор ва қонун ҳужжатларига күра, юридик шахсни ташкил этмасдан фаолият юритувчи фуқаролик-хұжыр мұносабатларнинг бошқа ишитирокчиләри) учун
Тошкент ш.

2022 йил "29" 04

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 2021 йил "30" декабрдаги №27-01-14/6020 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "ЎзМобайл" филиали директори Фахрутдинов С.С., бундай бүён "Оператор" деб номланувчи, бир томондан ва RESPUBLIKA RADIOAKTIV CHIQINDILARNI KU'MISH PUNKTI номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандик түгрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи RESPUBLIKA RADIOAKTIV CHIQINDILARNI KU'MISH PUNKTI, бундай бүён "Абонент" деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, телекоммуникация хизматларини күрсатиш түгрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) куйидагилар хакида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг www.uztelecom.uz расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-, 369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини күрсатиш түгрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билол алоқа хизматларини күрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган мобил алоқа хизматлари учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация раками беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этилдиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури мавжудлигидан келиб чиқкан холда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишда умумэътироф этилган маданиятта амал килинган холда, ўз ҳуқук ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбик этилади ва ойлик ҳисоб 100 (юз) фойз микдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилгандага ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайдинда амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (юз) фойз микдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.**

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни ҳисобга олган холда) ~~180 000-00~~ 156 521,74 Ҳисоб 100% ташкилоти бўлган Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади. Ушбу сумма ~~156 521,74~~ Ҳисоб 100% ташкилоти бўлган Абонент томонидан танланган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишиув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент кейинги ҳисоб-китоб даври (ҳисобот ойи) бошлангунга кадар олдиндан тўловнинг 100 (юз) фойз шарти билан ҳар ойда Хизматлар учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўлов Шартноманинг 8-моддасида кўрсатилган Операторнинг шахсий ҳисоб ракамларига пул маблагларини кўрсатилган Хизматлар ҳисобига олган холда, танланган ҳажм ва тарифлар/тариф режаларига мувофиқ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатади.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу Хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланиши вактинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишини истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равинида блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўренишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор Хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарilmайдi.